

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019 Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒАНИЕВ МУҲАММАДАМИН АВАЗБЕК ЎҒЛИ

ТАРИХИЙ РОМАНДА СЮЖЕТ ВА КОМПОЗИЦИЯ

(Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва
Тўхтамишхон” романи мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Ганиев Муҳаммадамин Авазбек ўғли

Тарихий романда сюжет ва композиция (Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон” романи мисолида)..... **3**

Ganiev Mukhammadamin Avazbek Ugli

Plot and composition in historical novel (In the example of Nurali Kabul's novel "The Last Day of the Sultan or Amir Sahibkiran and Tokhtamishkhan").....**27**

Ганиев Муҳаммадамин Авазбек угли

Сюжет и композиция в историческом романе (На примере романа Нурали Кабула “Последний день Султана или Амир Сахибкиран и Тухтамишхан”)**51**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....**55**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019 Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒАНИЕВ МУҲАММАДАМИН АВАЗБЕК ЎҒЛИ

ТАРИХИЙ РОМАНДА СЮЖЕТ ВА КОМПОЗИЦИЯ

(Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва
Тўхтамишхон” романи мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.4.PhD/Fil1425 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Касимов Абдугапир Абдиқаримович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулова Умида Йўлдош қизи
филология фанлари доктори

Сатторовва Гулноз Юнусовна
филология фанлари номзоди,
катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «28» май соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси 19. Тел: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (168 рақами билан рўйхатга олинган).

(Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси 19. Тел: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2022 йил «14» май кuni тарқатилди. (2022 йил «14» май даги 47 рақамли реестр баённомаси).




Ш.М.Искандарова
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, фил.ф.д., профессор


М.Т. Зокиров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш хотиби, фил.ф.н., доцент


А.Ф. Сабиридинов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси
фил.ф.д. доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида тарихий воқеликни бадиий идрок этиш, маълум халқлар ижтимоий тараққиётини акс эттирувчи йирик эпик асарларни тадқиқ этишга қизиқиш ортиб бормоқда. Халқлар тарихидаги буюк саркардалар, давлат арбоблари, миллий қаҳрамонлар фаолияти билан боғлиқ тарихий воқеликка бадиий-эстетик баҳо бериш орқали янги даврдаги ижтимоий-сиёсий, бадиий-эстетик концепциялар тарихий шахс тимсолида бадиий идрок этилади ҳамда инсониятга ўтмишдаги воқеаларга қараб келажакни талқин ва тадқиқ этишга ёрдам беради. Шу боис адабиётшуносликда тарихий асарлар поэтикасини бадиий тасвир воситаларининг ўзаро мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳо бериш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида тарихий воқеликни бадиий идрок этишга қаратилган жанрлар қаторида роман жанри поэтикасининг тадқиқига алоҳида эътибор берилади. Энг қадимги даврларданок тарихий асарлар генезиси, уларнинг сюжети, композицияси, образлари тизими каби масалалар жиддий муҳокама этиб келинади. Шу сабабдан роман жанри, хусусан, тарихий романлар поэтикасидаги сюжет ва композиция муносабатлари тадқиқини жаҳон адабиётшунослигининг янги тамойил ва ёндашувлари асосида ўрганиш алоҳида илмий-назарий аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиётида сўнгги йилларда тарихий асарлар, хусусан, тарихий романларни тадқиқ этиш, уларнинг жаҳон адабиёти контекстидаги ўрнини белгилаш борасидаги изланишларга эътибор кучайди. Ўзбек адабиётшунослигида айни пайтда тарихий мавзудаги асарлар, хусусан, тарихий шахслар образлари етакчи бўлган романлар мисолида воқеликни бадиий ифодалаш масалаларини замонавий ёндашувлар асосида илмий-назарий жиҳатдан тўғри баҳолаш муҳимдир. “адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”¹. Хусусан, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимизнинг бадиий адабиётда яратилган образларини тарихий ҳақиқатга мослиги нуқтаи назаридан ёритиш ҳамда бу борадаги тадқиқотлар кўламини кенгайтириш миллий ўзликни англашдан миллий юксалиш йўлига кирган мамлакатимиз учун муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбек адабиётшунослигида тарихий романлар сюжети ва композицияси ҳақида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бугунга қадар Нурали Қобулнинг буюк Амир Темур ҳақидаги йирик ҳажмли эпопеялари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Мазкур эпопеялар таркибига кирган асарларда тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима, сюжет қурилиши,

¹Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир. 3 август, 2017 й. сўзлаган нуткидан. www.jahonadabiyoti.uz

образлар тизими, бадиий нутқ композицияси, ёзувчи маҳорати ҳамда индивидуал услубини ўрганиш ўзбек адабиётшунослигининг муҳим масалаларидан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзuidaги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги Фармойиши, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида роман бадиияти, бадиий асарнинг шакл ва мазмун бирлиги, сюжети ва композицияси, мавзу ва ғоя уйғунлиги, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима мутаносиблиги, бадиий асар тили каби масалалар ўз вақтида тадқиқ қилинган. Хусусан, адабиётшунослик тарихида сюжет ва композиция, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима, мавзу ҳақидаги дастлабки фикрлар Афлотуннинг “Давлат” номли асарида учрайди². Арасту ҳам эпик асар сюжети, фабула ва композиция ҳақида сўз юритган.³ Кейинчалик Юлий Цезарь Скалигер, Антонио Минтурино, Пер Юьэ, Гегель, Л.Тимофеев, Г. Поспелов, Е.Хализев, Рене Уэллэк, Остин Уоррен, Терри Инглтон, В.Я.Малкина, Б.Гиленсон⁴ сингари олимлар томонидан бадиий асарлар поэтикаси бўйича қимматли фикрлар билдирилди. Лекин ҳар қандай жанр

² Қуронон Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 99-100.

³ Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – 352 б.

⁴ Юлий Цезарь Скалигер. Поэтика / Д.Қуронон. Б.Раҳмонов. Ғарб адабий-танқидий тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.137-145; Антонио Минтурино. Поэтик санъат / Қуронон Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2007. –Б. 146-157;Пьер Даниэль Юьэ. Романларнинг пайдо бўлиши ҳақида рисола / Қуронон Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 248-257; Гегель. Эстетика. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2011; Уэллек Рене и Уоррен Остин. Теория литературы. –М: Прогресс, 1978;Г.Поспелов. Теория литературы. – М.:Высшая школа, 1978. – 331 с.; Хализев В.Е.Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1999; Terry Eagleton. Literary Theory an Introduction Second edition. the United States by The University of Minnesota Press. Fourth printing, 2003. –р. 14 (245 p.) <http://www.upress.umn.edu>. Малкина В.Я. Поэтика исторического романа. (Проблема инварианта и типология жанра:на материале русской литературы XIX – начала XX века). Диссер....канд. фил. наук. – М. 2001. – 216 с.; Гиленсон, Б. А. История литературы США. В 2 ч. Часть 1. — М. : Издательство Юрайт, 2018. — 706 с.

тарихий категория бўлиб, доимий ўзгариб, такомиллашиб боради. Хусусан, тарихий роман жанри адабий жараёндаги кенг қамровли ва муттасил ўзгариб, такомиллашиб борадиган жанр сифатида доимий равишда тадқиққа мухтождир.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам роман сюжети ва композицияси бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилди. Жумладан, XX аср бошларида Миёнбузрук Солиҳов сюжет ва композициянинг асардаги аҳамияти ҳақида гапириб: “рўмондаги воқеаларнинг чин ва ҳақиқатга ўхшашлари, воқеаларнинг туслари сунъий ва ғайритабиийликнинг сезилмаслиги”⁵ керак, деган фикрни илгари суради. Академик Иззат Султон сюжет, конфликт, композиция, портрет, пейзаж, деталь, фабула каби тушунчаларни таърифлайди⁶. М.Қўшжонов, Б.Саримсоқов, У.Норматов, А.Раҳимов, А.Каттабеков, Ҳ.Умуров, Й.Солижонов, Н.Раҳмонов, Д.Қурононов, М.Шарафутдинова, Б.Карим, У.Жўрақулов, А.Носиров, О.Акбаров, З.Раҳимов, З.Содиқов, Г.Юсупова, И.Ёқубов, Т.Қурбонов, М.Ҳамроева, Ғ.Муродов, Х.Тулибоев, У.Қосимов, Ф.Икромхонова кабилар ўз тадқиқотларида роман поэтикаси ҳақида фикрлар билдиришган⁷. Амир Темур

⁵ Muyon Buzruk. “Mehronan Chayon” (mavzu, sinfiy tusi va tuzilishi hijatidan tekshirilishlardir). Kitonda: O‘zbek adabiy tanqidi.-T.: Turon-iqbol, 2011. 12-16 betlar.

⁶ Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.:Ўқитувчи, 2005. – 272 б.

⁷ Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 232 б.; Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Til va adabiyot instituti, 2005. – 124 б. ; Норматов У. Нафосат гурунлари. -Тошкент: Мухаррир, 2010. – 390 б. ; Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси(сюжет ва конфликт).10.01.02-Ҳозирги ўзбек адабиёти. Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун тавсия қилинган дис.автореф.. – Тошкент, 1994; Раҳимов А. Ҳаёт ҳақиқатини излаб. – Тошкент: Фан, 1989; Раҳимов А.Роман санъати. – Фарғона:Фарғона, 2015; Каттабеков А. Тарихий роман хусусида баҳслар / Ўзбек адабий танқиди [антология]. – Тошкент: Turon -Iqbol, 2011. – Б. 282-290.; Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: А.Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2009; Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 256 б.; Раҳмонов Н. Тарихдан озикланиб. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2019. – 120 б.; Қурононов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. www.ziyouz.com; Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018. – 480 б.;Шарафутдинова М.О. Особенности повествовательной структуры узбекского романа XX века в контексте мировой литературы. Автореф. дисс... док.фил.наук. – Ташкент, 2010. – 50 с.; Карим, Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 364 б.;Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: муаллиф. жанр, хронотоп. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 356 б.; Насиров А.Н. Одил Ёқубов романлари поэтикаси. Фил.фан. док. ... автореф, – Самарқанд, 2018. – 70 б.;Акбаров О.А. Комил Икромов ижодида тарихийлик ва замонавийлик. Филология фанлари номзоди диссертацияси автореф. 1997. – 23 б.; Раҳимов З. “Кўхна дунё” романи поэтикаси. Фарғона, 2005. – 108 б.; Юсупова Г. Ҳозирги ўзбек романларида амир Темур ва темурийлар образининг бадиий талқини. филол.фан.ном.дис.автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б.; Якубов И.А. Мустақиллик даври ўзбек романи поэтикаси. ф.ф.д. дис.автореф.. – Тошкент: 2018. – 72 б. Аvezова Г. Роман композициясининг бадиий яхлитликда тутган ўрни. филол.фан.ном.дис.автореф. - Тошкент; 2012. ; Қурбонов Т. Тарихий бадиий асар ва давр тили масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 132 б.; Ҳамраева М.А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин (Насрий асарларда Амир Темур образи). Фил.фан.номз. ... диссер. – Термиз, 2010. – 137 б; Муродов Ғ.Тарихий романининг муштарақлик ва ўзига хосликлар уйғунлиги муаммолари. Фил.фан. док. дисс.автореф. –Тошкент: БухДУ, 2018. – 80 б; Тулибоев Х.Б. Ҳозирги ўзбек романчилигида бадиий услуб ва жанрий-композицион яхлитлик синтези. фил.фан. б. ф. док (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 54 б.;Содиқов З. “Қутадғу билик” таржималарининг киёсий типологик таҳлили (ҳозирги ўзбекча тадбили ҳамда хорижий тилларга таржимаси мисолида). – Тошкент: Фан, 2007. – 174 б.; Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида). Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020. – 77 б.; Икромхонова Ф.И. Ўзбек ва инглизча насрда тарихий асар поэтикаси (композиция ва образ).Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, – 2021. – 72 б.

образининг хориж ва ўзбек адабиётидаги талқинлари бўйича ҳам бир қатор ишлар эълон қилинган⁸.

Адабиётшунослардан Б.Назаров, А.Саидов, Т.Қаҳҳоровлар Нурали Қобулнинг ижодий услуби, асарларининг тили, тарихий идрок ва миллий ўзликни англаш масалаларининг ёритилиши ҳақида фикр билдирганлар. Бобохон Шариф эпопеядаги тарихий воқеликларни бадиий қайта ишлашда ёзувчининг мақол, шеърлардан фойдаланиш маҳорати, И.Ёқубов ёзувчи ҳикоялари, тарихий романларидаги кўшиқ, лапар ва шеърый парчаларнинг асар структурасидаги ўрни масаласига тўхталган бўлса, У.Ўлжабоев ёзувчининг “Буғдой пишиғига етмаганлар” қиссасида уруш давридаги болалар тасвирини,⁹ С.Камилова адибнинг “Сарик қизлар” ҳикоясини рус ёзувчиларининг асарлари билан қиёсий таҳлилини ўрганган.¹⁰ Адабиётшунос Қ.Йўлчиев тарихий ҳақиқатнинг бадиий ифодаланишида ёзувчи маҳоратини, М.Шералиева “Қулон кудукқа тушса” қиссасидаги бадиий услубни, А.Тўйчиев эса ёзувчининг характер яратиш маҳоратини таҳлилга тортган.¹¹

Юқоридагилардан кўринадики, ўзбек адабиётшунослигида Нурали Қобул ижоди бўйича муайян изланишлар олиб борилган. Лекин ёзувчининг тарихий романлари поэтикаси, улардаги сюжет ва композиция муносабатлари масаласи монографик планда махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Роман поэтикаси масалалари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тарихий романларида сюжет ва композиция масаласини Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон” асари асосида очиб беришдан иборат.

⁸Эрматов Б.С. Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётларида Амир Темур сиймоси (сарчашмалар, тасаввурлар ва талқинлар) ф.ф.д. ... диссерт. – Тошкент: 2018. - 257 б.; Карен Л., Амир Темур салтанати // Француз тилидан тарж. ва изоҳлар муаллифи Б.Эрматов. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 224 б.; Карен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 2006.; Ибятгов Ф.М. Тохтамыш и Тимур. автореф. дисс...канд.ист.наук. – Владикавказ. 2008. – 24 с. www.dissercat.com/ibyatov/ Дадабоев О.О. Ғарб ва Шарқ контекстида Амир Темур шахси талқини. фил.фан. б. ф.д.(PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 48 б.

⁹ Назаров Б. Тарихий ҳақиқат ёғдулари ёхуд ўзликни бадиий англаш. / Нурали Қобул Етти иклим хокони ёхуд аҳд ва тахт. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б. 457- 477; Акмал Саидов. Амир Темур сиймоси – ўзбек адабиётида. // Соҳибқирон юлдузи. 2016. №1, - Б.14; Тохир Қаҳҳор. Кўнгиллардаги Темур ҳайкали. / Нурали Қобул. Жаҳон мулкининг султони ёхуд Фотиҳ ва Йилдирим Боязид. – Тошкент: Камалак, 2016. – Б.436.; Бобохон Шариф. Умуминсоний, миллий ва ватаний онг... / Нурали Қобул. Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамиш. – Тошкент: Камалак, 2014; Ёқубов И. Ҳозирги ўзбек романлари поэтик структурасида кўшиқ ва лапарларнинг ўрни. / Қадарнинг ғариб жилваси. – Тошкент: Ijod-press, 2017. – Б.394-430. / Қадарнинг ғариб жилваси. – Тошкент: Ijod-press, 2017. – Б.380-393; Ўлжабоев У. Адабиёти – кўнгил кўзгуси. – Тошкент: Tigon zamin ziyo, 2017. – 214 б.; Шу муаллиф. Хогирада чизилган излар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – 1992. – 200 б.

¹⁰Камилова С.И. Развитие поэтики жанра рассказа в русской и узбекской литературе конца XX – начала XXI века. диссер. ... док.фил. наук. – Ташкент, 2016. – 291 с.

¹¹ Йўлчиев Қ. Нурали Қобулнинг прозаик маҳорати. - Тошкент: Ma'rifat bitiklari, 2021. – 252 б.;Йўлчиев Қ. Қадим тарихнинг бадиий талқини / Қадарнинг ғариб жилваси. – Тошкент: Ijod-press, 2017. – Б.394-430; М.Шералиева. 2019 йил ўзбек қиссалари // Шарқ Юлдузи, 2018, № 5. – Б. 152-155.; Тўйчиев А. Қалбимизга яқин одамлар // НамДУ илмий ахборотномаси- Вестник НамГУ, 2020, № 9. – Б. 268-271; Тўйчиев А. Характер яратиш маҳорати // Шарқ Юлдузи, 2018, № 5. – Б. 95-100.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тарихий асарлар бадииятининг ижтимоий-маданий асосларини таҳлил этиш орқали ўзбек адабиётида тарихни бадиий идрок этишнинг илдизларини кўрсатиш ва ўзбек насридаги тарихий асарларни ўзаро солиштириш-қиёслаш муаммоларини мавжуд манбалардаги илмий-назарий қарашларни тизимлаштириш ҳамда янги умумлашмалар чиқариш ёрдамида аниқлаш;

Амир Темур ҳақидаги асарларнинг қиёсий таҳлилин амалга ошириш ҳамда тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима муносабатларини белгилаш орқали ёзувчи бадиий-ижодий концепциясини белгилаш;

Нурали Қобулнинг тарихий роман поэтикасини яратишдаги индивидуал маҳорати ва у яратган асар аҳамиятини замонавий бадиий-эстетик тафаккур аспектида таҳлил этиш орқали тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима муносабатларини халқ маданий тараққиётига таъсирини аниқлаш;

тарихий романдаги сюжет таркиби ва типларини композициянинг бошқа турлари билан ўзаро муносабатини ўрганиш ҳамда ёзувчининг бадиий ғоявий ва бадиий-эстетик концепциясини таҳлил этиш;

образлар ва бадиий нутқ композицияларининг руҳий психологик асосларини белгилашда ёзувчи қўллаган композицион усул ва воситаларнинг композиция қисмларини уюштириш, яхлитлашдаги ўрнини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон” романи олинган. Шунингдек, диссертацияда Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур”, Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома”, Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар”, “Улуғ салтанат” каби асарларига зарур ўринларда мурожаат этилган.

Тадқиқотнинг предметини ўрганилаётган тарихий асарлардаги сюжет ҳамда унинг таркиби ва типлари, композиция ва унинг турлари, образлар тизими, тарихни бадиий идрок этиш, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва талқиннинг қиёсий-тарихий, структурал, биографик методлари ҳамда комплекс таҳлил, тавсифлаш, таснифлаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий ўзбек насрида эпопея ҳамда унинг таркибига кирган тарихий романда эпик аъъаналар, тарихий воқеликни бадиий идрок этишдаги тарихийлик, умуминсонийлик ва замонавийлик тамойилларига амал этилганлиги асосланган;

эпопеяда Амир Темур образи орқали биринчи марта ғазнавийлар, ануштегинлар, темурийлар каби туркий сулолаларнинг ўрни ва роли бадиий эстетик-жихатдан таърифланганлиги очиб берилган;

умумий эпопеяга хос кўламдорлик, халқ ҳаётининг кескин бурилиш даврини образ даражасига олиб чиқишда ёзувчининг талқин ва тасвир имкониятлари кўрсатиб берилган;

Нурали Қобулнинг тарихий давр, образлар тасвири орқали тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга ҳамда ижодий концепция даражасига олиб чиқиш учун миллий колорит ва бадиий нутқ шаклларида фойдаланиш маҳорати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Нурали Қобулнинг тарихий романидаги XIV аср охиридаги давр манзараси ҳамда Амир Темур ва Тўхтамишхон образлари тасвирини бадиий-эстетик ва тарихий аспектда тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек адабиётшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, “Адабиётшунослик назарияси”, “Замонавий ўзбек насри”, “Бадиий таҳлил асослари”, “Назарий поэтика” каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммалашувиغا хизмат қилиши асосланган;

замонавий насрда тарихий мавзудаги йирик ҳажмли асар яратишда композицион қурилиш тамойиллари янгилангани, композиция турларининг ўзаро бирлаштириш, тарихий воқеа ва образларни бадиий-эстетик концепция атрофида уюштиришда сюжет ва унинг таркибий қисмлари, сюжет типлари, матн қурилиши, бадиий нутқ шакллари, образлар тизимининг ўзаро муносабатидан келиб чиқиб ёндашилганини асослаш орқали ёзувчининг тарихни бадиий идрок этиш ва ифодалашдаги индивидуал маҳорати исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мувофиқлиги, ўзбек ва хориж олимларининг салмоқли фикр ва мулоҳазаларига таянилгани, тадқиқот вазибаларига мос келадиган қиёсий-тарихий, структурал ва биографик методлардан фойдаланилгани; хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация натижалари, хусусан, “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон” романидаги сюжет ва композиция муносабатлари тадқиқи бўйича чиқарилган хулосалардан тарихий роман поэтикаси ва Нурали Қобул ижоди масалаларини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳозирги ўзбек тарихий романи бадииятига оид қарашлардан адабиётшунослик фанларини ўқитишда, турли семинар, махсус курс, кўрсатув ва бошқа оммавий тадбирларни ташкиллашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги замон ўзбек тарихий романчилигида сюжет ва композиция, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима масалалари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Нурали Қобулнинг тарихий давр, образлар тасвири орқали тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга ҳамда ижодий концепция даражасига олиб чиқиш учун миллий колорит ва бадиий нутқ шаклларида фойдаланиш маҳоратига оид хулосалардан ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Давлат илмий-техника дастури доирасида “Адабиёт назарияси

ва адабий алоқалар” бўлими томонидан 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-80- “Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” номли фундаментал илмий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2022 йил 4 февралдаги 3/1255-249-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳада назарда тутилган бадиий адабиётда тарихий ва замондош образлар тадқиқи янги илмий далиллар билан бойитилган;

эпопеяда Амир Темур образи орқали биринчи марта ғазнавийлар, ануштегинлар, темурийлар каби туркий сулолаларнинг ўрни ва роли бадиий эстетик-жихатдан таърифланганлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар режаси”ни ишлаб чиқиш, тарғибот-ташвиқот ишлари учун маърузалар тайёрлаш ҳамда ижодкор ёшлар учун турли семинарлар ва тадбирлар ташкил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлигининг 2022 йил 13 январдаги 3-13-23-86-сон маълумотномаси). Натижада чора-тадбирлар режаси илмий асослар, давлатчилик тарихининг бадиий тасвирига оид таҳлилий материаллар билан бойитилган;

замонавий ўзбек насрида эпопея ҳамда унинг таркибига кирган тарихий романда эпик аънаналар, тарихий воқеликни бадиий идрок этишдаги тарихийлик, умуминсонийлик ва замонавийлик тамойилларига амал этилганлиги асосланган хулосалардан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг “Кун мавзуси”, “Очиқ мулоқот”, “Маърифат излаб” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 6 январдаги 5 - сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган ҳамда кўрсатувларда кўтарилган адабий масалаларнинг илмий асоси кучайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуман маърузаларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 5 та мақола нашр этилган. Улардан 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 139 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Ўзбек адабиётида тарихий романнинг шаклланиши ва ривожини”** деб номланиб, бобнинг **“Тарихий роман поэтикаси асослари”** номли дастлабки фаслида адабиётшуносликдаги композиция, сюжет, образ, бадиий тил ҳақидаги илмий-назарий қарашлар, ўзбек тарихий романи поэтикасининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

Поэтика масалаларининг ўзаги ҳисобланган композиция, сюжет, образ, бадиий тил ҳақидаги илмий-назарий баҳслар қадим замондан бери давом этиб келаётган илмий жараён ҳисобланади. Хусусан, Арасту тарихий шахс бошидан кечирган ва акс этадиган асарда композиция бутун бошли воқеалар тизимидан иборат бўлишини таъкидлаган¹². Бу эса тарихий асар композицион қурилишини оддий воқеалар йиғиндисидан фарқли бўлишини талаб этади. Иzzат Султон фикрича, асар композицияси, даставвал, муаллифнинг тасвир этилаётган ҳаётини материалга муносабати билан белгиланади, яъни композиция биринчи навбатда ғоявий-эстетик тушунчадир¹³. Аслида ҳам бадиий асар, жумладан, кенг маънода роман ҳам ҳаётнинг бадиий образи, тор маънода ундаги ҳар бир персонаж образ ҳисобланади.

С. Мирвалиев воқеликни бадиий идрок этишда ҳар қандай фантазия ва тўқима тарихий фактларга, уларнинг умумий йўналишига бўйсундирилиши лозимлигини таъкидлайди¹⁴. Демак, тарихий романда реал воқелик қайта ифодаланиши жараёнида бадиий тўқима ва ёзувчи фантазияси аниқ далиллар доирасидан чиқмаслиги керак бўлади.

Композиция тушунчаси орқали образлар тизими, баён усули ва воқеалар жойлашувининг ўзаро мутаносиблиги ва маълум бадиий-эстетик ғояни ифодалашга хизмат қилиши назарда тутилади. Чунки тарихий романда маълум даврнинг образини ифодаш орқали замонавий муаммолар ҳам сингдирилади. Д.Куроновнинг таъкидлашича, “замонавий адабиётшуносликда эпик асар қурилишини тадқиқ этишда матн композицияси, сюжет композицияси, персонажлар композицияси, бадиий вақт ва замон, ривож композицияси, нуқтаи назар композицияси каби масалалар диққат марказида туради,”¹⁵. Шунинг учун тарихий асарни

¹² Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – Б.54-55.

¹³ Sulton Izzat. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent. O'qituvchi, 2005. – B.124.

¹⁴ Мирвалиев С. Тарихийлик ва замонавийлик. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 182.

¹⁵ Куронов Д. Адабиётшунослик назарияси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – Б. 182-183.

концептуаль таҳлил қилиш композицияни бир нечта ракурстан кузатиш, асар моҳиятини теранроқ тушунишга ёрдам беради.

Профессор Н.Раҳмонов “Тарихий романнинг битта хусусияти бор: бу ҳам бўлса тарихий воқеа билан роман ўртасида мувозанатни сақлаш ва китобхонни романдаги воқеаларга ишонтира олишдир. Ёзувчи маҳорати билан ўқувчи ишончи уйғунлашган нуқта адабиётнинг ютуғи саналади”,¹⁶ дейди. Демак, тарихий романда тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима ўртасидаги мувозанат бўлиши шарт ҳисобланади.

Тарихий роман ўзбек адабиётида XX аср бошида А.Қодирий (“Ўткан кунлар”) томонидан яратилган бўлса, кейинчалик Чўлпон (“Кеча ва кундуз”), Ойбек (“Навоий”), Одил Ёқубов (“Кўхна дунё”, “Улуғбек хазинаси”), Пиримқул Қодиров (“Юлдузли тунлар”) каби ижодкорлар мисолида жанр сифатида бадиий такомилга эришди. Лекин мазкур тарихий романларнинг аксарияти собиқ тузум мафқурасининг тарихий шахсларга нисбатан бўлган бир ёқлама қарашларини ўзида намоён этмай қолмаган. Масалан, Ойбек “Навоий” романида образлар композициясидаги етакчи ўринга эга бўлган Навоий ва Хусайн Бойқаро образлари мутаносиблигига мафқуравий қарашлардан келиб чиқиб баъзи бир жиҳатларни киритишга мажбур бўлган. Шунингдек, Одил Ёқубовнинг “Кўхна дунё”, “Улуғбек хазинаси” романларида ҳам Маҳмуд Ғазнавийни золим, олимларни эъзозлашдан ва инсонпарварликдан маҳрум шоҳ сифатида, кейинги романда маҳаллий диний уламоларнинг тор, догматик қарашларини ифодалашда етук диний уламолар тасвири олиниши собиқ тузумнинг талаби бўлган.

Профессор Й.Солижоновнинг “Ўзбек адабиётшунослигида ҳозиргача бадиий нутқнинг мазмундорлиги, гўзаллиги, диалогнинг кескинлиги, характернинг ўзига хослигини таъминлашга беминнат кўмаклашувчи жест ва мимикаларнинг асар макроструктурасидаги ўрни ва хизмати алоҳида тадқиқ этилган эмас”,¹⁷ деган мулоҳазаларини тарихий романлар поэтикасини тадқиқ этишда ҳам қўллаш мумкин. Тарихий романда ҳам диалогик нутқ жараёнидаги мимика ва жестлар муҳим аҳамиятга эга.

Тарихий романлар композицияси ва сюжетини алоҳида ёзувчининг тарихий концепциясини амалга оширувчи бадиийлик концепти сифатида олиниши лозим. Бунда муаллиф бадиий-эстетик қарашларининг жанр имкониятлари доирасида юзага чиқиши ўқувчига ўтган тарихий воқеани аниқ тасаввур этиш имконини беради.

Бобнинг “Амир Темур образининг тарихий-мемуар ва бадиий асарлардаги талқини” деб номланган иккинчи фаслида буюк саркарда ҳақида яратилган манбалар таҳлилга тортилган.

Тарихий роман марказида албатта тарихий шахс ёки шахслар тизими туради. Шу маънода буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур образи кўплаб бадиий асарларда акс эттирилган. Хусусан, Б.Эрматовнинг қайд

¹⁶ Раҳмонов Н. Тарихдан озиқланиб. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2019. – Б.15.

¹⁷ Солижонов Й. Кўзгудаги ҳаёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013. – Б. 50.

этишича, Ғарбий Европа адабиётининг ўзида соҳибқирон ҳақида 600 га яқин асар яратилган¹⁸.

Амир Темур ҳақидаги асарларни янги давр нуқтаи назари билан солиштириш адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидан саналади. Чунки “қиёслаш ўрганилаётган ҳодисанинг миллий, тарихий ўзига хослигига путур етказмайди, аксинча, қиёслаш, яъни ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш ёрдамида бу ўзига хосликни аниқ белгилаш мумкин бўлади”¹⁹.

Адабиётда Темур образи ҳали у ҳаётлик пайтларидан яратила бошланганлигига Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”²⁰ (1404), Шарафиддин али Яздийнинг “Зафарнома”²¹ (1429), Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи (Ажойиб ул қадур фи тарихи Таймур”²² каби асарлари мисол бўла олади. Бу асарлар асосан тарихий воқеа-ҳодисалар баёнига бағишланган бўлишига қарамай, муаллифларнинг воқеликни бадиий тасвирий ифодалар билан бойитгани ва қатор ўринларда халқ оғзаки ижоди жанрларига мурожаат этганлигини инобатга олиб, уларни бадиий-тарихий манба сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, Ғарб олимлари Геродотнинг “Тарих” асарига нисбатан ҳам шундай йўл тутганлар.

Салоҳиддин Тошкандийнинг XX аср бошларида яратилган “Темурнома” номли бадиий-тарихий асарида бадиий ифода воситаларидан самарали фойдаланилган²³. Ундаги воқеалар баёни ичида шеърый парчалар, ғазал, рубоий, қитъа, тўртлик, байт, мисраларнинг келтирилиши асарга лиро-эпиклик хусусиятини берган. Муаллиф тарихий шахсларнинг реал воқеликка ҳиссий муносабатини ифодалаш орқали тасвир остидаги эпик кечинмани очиб беришга ва персонаж руҳиятини теранроқ кўрсатишга интилган.

Ақрамбек Каттабеков энг яхши тарихий асарларда объект сифатида тарихий шахс олинishi, лекин у халқ ва миллат, тарихий даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаракати негизида тасвирланиши шарт деб ҳисоблайди²⁴.

Лекин узоқ йиллар давомида ўзбек адабиётида Амир Темур тимсолига бир томонлама ёндашиб келинган. Хусусан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси С.П.Бородин (Амир Саргиджон) нинг “Самарқанд осмонида юлдузлар” номли романида тарихий фактлар реал ёритилмай, Амир Темур образига қаҳри қаттиқ, босқинчи, қонхўр ҳукмдор сифатида талқин этилган.

Асарда буюк Темурнинг халқ тараққиётига кўшган ҳиссаси ва жаҳон тарихидаги ўрнини тан олмаслик йўлидан борилган.

¹⁸ Қаралсин: Эрматов Б.С. Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётларида Амир Темур сиймоси (сарчашмалар, тасаввурлар ва талқинлар) ф.ф.д. ... диссерт. – Тошкент: 2018. -257 б.

¹⁹ Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение Восток и Запад. – Ленинград: Наука, 1979. – С. 67

²⁰ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 544 (528+18 иллст) б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

²¹ Яздий, Шарафуддин Али. Зафарнома // Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлармуаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков. – Тошкент: Шарқ, 1997. — 384 б.+ 16 илова.

²² Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари. 1 китоб. – Тошкент: Мехнат, 1992. – 328 б.

²³ Тошкандий. Темурнома: Амир Темур Кўрагон жангномаси: Сўзбоши муаллифи ва луғатлар асосида нашр. тайёрловчи П.Равшанов. – Тошкент: Чўлпон, 1990. – 352 б. Фаслда Тошкандийга тегишли ҳаволалар мазкур манбадан олинди. Шунинг учун кейинги ўринларда ҳавола берилмайди. Парчадан кейин қатта қавсда китоб саҳифаси кўрсатилади.

²⁴ Каттабеков А. Тарихий роман хусусида баҳслар / Ўзбек адабий танқиди: антология / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Б.Каримов. – Тошкент: Turon-Iqbol, 2011. – Б.290.

Замонавий ўзбек насрида Амир Темур образининг етук намуналари орасида Бўрибой Аҳмедов²⁵, Пиримқул Қодиров²⁶, Евгений Березиков²⁷, Муҳаммад Али²⁸, Нурали Қобул²⁹ каби қатор ёзувчиларнинг асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Таъкидлаш керакки, Б.Аҳмедов, П.Қодиров, Е.Березиковлар яратган асарлар илмий-публицистик ёки бадиҳа услубида бўлиб, тарихий-бадийликка даъво қилмайди. Лекин Амир Темур биографияси ҳақидаги қимматли маълумотларни олишда ўзига ҳос манба вазифасини ўташи билан аҳамиятлидир.

Муҳаммад Али ва Нурали Қобулнинг Амир Темур ҳақидаги романлари том маънодаги ўзига ҳос адабий ҳодиса саналади. Нурали Қобул Амир Темур образи орқали умумтуркий тарихни, хусусан, унда давлат ва жамият шакллантирган турли туркий сулолаларнинг бадий тарихини ифодалашга ҳаракат қилган. Муҳаммад Али эса Амир Темур образи ва унинг марказлашган давлат қуришдаги хизматларига тўхталган.

Муҳаммад Али “Улуғ салтанат” деб номланган эпопеяни шартли равишда тўрт китобга ажратиб, уларни Амир Темур ўғилларининг исми (Жаҳонгир мирзо, Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳруҳ мирзо) билан атаган. Барча китобларда Амир Темурнинг улкан салтанат қуриши, уни сақлаб қолиши ва адолатли сиёсат юргизишини тасвирлаш орқали саркарда образининг мураккаб қирраларини очиб берилган. Ҳар бир китобда Амир Темур ота, саркарда, адолатли шоҳ, оддий инсон ёки мураккаб шахс сифатида намоён бўлади. Эпопеядаги давр образи Амир Темур образи учун топос вазифасини ўтайди. Яъни Амир Темур ана шу давр ичида мавжуд бўлади. Соҳибқирон атрофидаги турли драматик ҳодисалар, табиат тасвири ифодаси ёки турли нутқ шакллари орқали ифодалаган. Натижада Амир Темур образининг ота, давлат раҳбари, саркарда ёки пирга муридлик масъулияти билан боғлиқ сюжет линиялари юзага келади.

“Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон” романида сюжет ва композиция” деб номланган иккинчи боб икки фаслдан ташкил топган. Унинг **“Романда сюжет ва композиция муносабатлари”** номли биринчи фасли Нурали Қобул асаридаги воқеалар тизимининг композиция билан алоқалари таҳлилига бағишланган.

Асар поэтикасининг ўзагини сюжет композицияси ташкил этади. Бироқ уларнинг ўзаро муносабатида барибир воқеа бирламчи ўринда туриши мақсадга мувофиқ бўлади. Рус олими Е.Х. Хализевнинг таърифича: “Сюжет сўзи бадий асардаги ҳодисалар, яъни персонажларнинг бутун ҳаётини замон ва макондаги ўзгаришлари, бир-бири билан алмашилиб турадиган ҳолат ва

²⁵ Аҳмедов Б. Амир Темур. Тарихий роман. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 640 б.

²⁶ Қодиров П. Амир Темур сиймоси. Илмий бадиҳа. O‘zbekiston, 2007. – 248 б.

²⁷ Березиков Е. Буюк Темур. Роман-бадиҳа. Шарқ, 1996. – 336 б.

²⁸ Али, Муҳаммад. Улуғ салтанат. Жаҳонгир Мирзо. 1 китоб. Шарқ, 2003. – 336 б.; Шу муаллиф. Умаршайх Мирзо. Эпопея. 2 китоб. Шарқ, 2014. – 448 б.; Шу муаллиф. Улуғ салтанат. Мироншоҳ мирзо, 3 китоб. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 528 б.; – Тошкент: Шарқ, 2014. – 448 б.

²⁹ Қобул Н. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва тахт. Шарқ. 2011; Қобул Нурали. Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон. Камалак, 2014.

шароитлар занжирида тасвирлашни англатади³⁰. Дарҳақиқат, тарихий романда эпик кўламдорлик, мазмунан салмоқдорлик, бир неча образлар тизимининг мавжудлиги, сюжетнинг кўп планли бўлиши, конфликтнинг кескин ва таранглиги каби поэтик белгилар талаб этилади.

“Адабиётшунослик луғати”да сюжетнинг намоён бўлиши кўп жиҳатдан қайси тур ёки жанрга мансублигига боғлиқ”,³¹ дея қайд этилади. Назарий хулосаларда сюжетнинг қуйидаги жиҳатлари намоён бўлади: 1) баён қилинаётган воқеа; 2) одамларнинг характери, уларнинг ўзаро муносабати оқими; 3) воқеалар оқимида ёзувчи позициясининг ҳам намоён бўлиши; 4) эпик кечинма, ихтилоф (конфликт). Демак, бадиий асарнинг асосини ташкил қилган сюжет турли қисм, унсурлардан иборат бўлади. Аммо эпопеяда сюжет қисмларининг бошланиш жойи ва тугашини аниқлаш бирмунча қийинроқ кечади. Хусусан, Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон” романи ҳажман катта бўлиб, ундаги воқеалар тасвири ҳам кўламдор, ёзувчи маълум бир тарихий воқеаларни акс эттиришда воқеа юз берган макон, унинг тасвири, яъни пейзажи, воқеада қатнашувчи персонажларнинг аниқ портрети, динамик характери, ҳатто персонажлар ички нутқи каби барча тафсилотларни ёритади. Бундан ташқари, романда тарихий воқелик асосида миллий ўзликни англаш, янги жамият қуришда маънавий қадриятларни ўрни ҳам яққол кўрсатилган. Бунинг учун ёзувчи анъанавий қиёсий-тасвирий метод, яъни икки воқеликни, ҳодисани ўзаро солиштириш усулидан фойдаланган.

Асар бошида Тўхтамишхон вакили (бу ерда бош вазир — М.Ғ.) ташриф буюриб хон номидан узр сўраши, уруш ортидан мамлакатда юз берадиган парокандаликдан халқни сақлаб қолиши мумкинлиги кўрсатилган. Нурали Қобул тарихий-мемуар манбаларни пухта ўрганиб, Амир Темур ва Тўхтамишхон, Турон давлати ва Олтин Ўрда ўртасидаги йирик урушнинг бошланиш омилларини билган ҳолда юқоридаги тугунни ўртага олиб чиққан. Тугун бошланган жойдан романдаги конфликт ҳам очик тасвирланган. Сюжет линиясида Идику Манғит (қорақалпоқ миллий қаҳрамони Эдику бий, қорақалпоқ фольклорида унинг номи билан аталадиган халқ достони ҳам бор – М.Ғ.), Темур Қутлуғ, Кунча ўғлон номи билан тарихда яшаб ўтган шахслар кўринади.

Мазкур воқеалар романнинг асосий қаҳрамонлари Соҳибқирон Темур ва Тўхтамишхон учрашувига ўқувчини тайёрлаш, романдаги йирик конфликтни теран англаш вазифасини ўтайди.

Ёзувчи портрет усули билан Амир Темурнинг ҳаракатдаги ҳолатини тасвирлар экан, унинг ички монологини беради. Унда Соҳибқироннинг ўз фаолиятини таҳлил қилиши, қалбида Яратганга нисбатан шукроналик ҳисси қоплаганини ва ниятлари ҳали улуғ эканлиги кўринади.

Ёзувчи сюжет воқеаларини секин-асталик билан ривожлантириб борар экан, унга композициянинг бадиий нутқ, образлар каби турлари, тавсифий

³⁰ Хализев Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1999. – С.140.

³¹ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 287.

баённинг портрет, таъриф, пейзаж каби усулларини ҳам моҳирлик билан жойлайди. Бу эса сюжет композицияси, образлар композицияси ва баён композицияси умумлашиб яхлит бадий ғоявий мазмун касб этишини, шакл ва мазмун бирлиги мукамал бўлишини таъминлайди. Романда тошбитик билан боғлиқ воқеани майда деталларигача баён қилиниши орқали Амир Темур кўшинидаги кишиларнинг турмуш тарзи ҳам очиб берилган. Масалан, Абдурахмон тоштарош ўз касбининг моҳир устаси бўлиш билан бирга самимий ва очиқ кўнгил эканлиги у билан суҳбатда очилган.

Асарда Амир Темурнинг тарихни билишга қизиқиши ва ундаги турли воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш салоҳияти ҳам очиб берилган. Хусусан, ануштегинлар сулоласи, айнан, уларнинг сўнгги хони, Жалолиддин Мангубердининг отаси Султон Хоразмшоҳнинг ютуқ ва фожеаси, хато ва камчиликларини Тоҳир тарихчи билан муҳокама қилади. Бу билан ёзувчи Амир Темурни тарихчи олим, маълумотларни таҳлил этувчи сиёсатчи, муҳим стратегик тадқиқотчи эканлигини кўрсатади. Нурали Қобул давлат қурилиши ва жамият ривожиди раҳбарнинг одиллиги, узоқни кўра билиши ва воқеаларни таҳлил қилиб тўғри қарор қабул этиш салоҳияти муҳимлигига урғу беради. Демак, ёзувчи сюжет воқеалари баёни орқали давлат ва жамият қуриш асослари ҳақидаги ижимоий-сиёсий концепциясини ҳам асар мазмуний композициясига сингдириб юборган.

Асардаги асосий воқеалар хроникал тартибда кунма-кун давом эттирилади. Лекин ҳар бир воқеа, персонаж моҳиятан бир шахс – Амир Темур ва баъзан Тўхтамишхон атрофида ҳаракат қилаётгани ҳамда ушбу образларнинг у ёки бу жиҳатини очишга хизмат этаётганини инобатга олсак, ёзувчи концентрик сюжетдан ҳам фойдаланган, дейиш мумкин. Шунингдек, бир воқеани баён этаётиб, ассоциатив тарзда шу воқеага боғлиқ икки воқеанинг баёнига ўтилади. Ёзувчи воқеаларни гоҳ Амир Темур, гоҳ Тўхтамишхон томондан баён этар экан уларнинг ички нутқи, диалоглари ва уларга муаллиф нутқининг тавсифи, воқеаларнинг жонли тасвирлари билан ифодалаб ассоциатив сюжетдан самарали фойдаланганига гувоҳ бўлинди. Хусусан, Қодир қиссахон ва Тоҳир тарихчини хузурига чақириб, уларнинг Чингизхон, Жўжи улуси ҳақидаги тарихий ҳикояларини тинглаган Амир Темурда ассоциатив тарзда Муҳаммад Хоразмшоҳ тарихи ҳақида фикр уйғонади [194-195] ва тўққизинчи боб ва ўнинчи бобнинг бир неча саҳифасида Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ тарихи баён қилинади [198-228].

Баъзи ўринларда эса персонажлар нутқи орқали воқеалар ортга қайтиб, ретроспектив сюжет типи ҳам намоён бўлган. Масалан, Идику ёшлигида отасидан Қорақурумда ўлдирилган одамлар ҳақидаги фожеани эсга олади. Отаси оғир хўрсиниб, чилимини қуриллатиб тортганча, мазкур фожеани эслаш унга оғир кечишини билса-да, Идикуга кечмишни яна сўзлаб беради [99-102]. Демак, ёзувчи романда сюжет типларини аралаш қўллаб, воқеаларнинг композициясини шакллантирган.

Асарда Темурнинг Султон Хоразмшоҳ салтанати инқирозини таҳлил этиши шунчаки келтирилмайди, балки ўзи ва атрофидагиларга сабоқ бўлиши билан бирга, ўқувчини ўтмишдан завқланиш, фожеалардан кайғуриш, зарур

ўринларда эса шахсий муносабат билдиришга ўргатади. Тарихий романнинг гедонистик, дидактик ва эстетик аҳамияти ана шу ўринда янада яққолроқ кўринади. Шу ўринда муаллиф “ҳозирги кунни тасвирлайдими, ўтмишни тасвирлайдими, роман бирибир замон билан боғлиқликни саклаб қолади”,³² деган тамойилга риоя қилади.

Бобнинг “**Сюжет, конфликт ва композицион усуллар**” номли иккинчи фасли асар сюжетини ҳаракатга келтирувчи асосий куч – конфликт тадқиқига бағишланган.

Тарихий асарларда конфликтни сюжетнинг тугун бошланган қисмидан бошланиши кўп учрайди. Унинг энг кескинлашиш жараёни эса кульминацион нуқта билан боғланади. “Бадий асар воқеаларни акс эттиргани, унинг марказида инсон образи тургани учун ҳам, инсоннинг реал ҳаётида мавжуд конфликтларнинг бари унда акс этади. Шу нуқтаи назардан конфликтларнинг учта турини фарқлаш мумкин: 1) характерлараро; 2) қаҳрамон ва муҳит; 3) ички (психологик). Конфликтнинг мазкур турлари бадий асарда аралаш ҳолда зуҳур қилади ва узвий алоқади бўлади”³³. “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон” романи да ҳам конфликт сюжетдаги воқеаларнинг асосини ташкил этади. Биринчи галда асарда характерлараро конфликт тасвирланаётган икки томоннинг тўғридан тўғри зиддияти, характерлар тўқнашуви сифатида берилган. Хусусан, Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги зиддият сарлавҳа даражасига кўтарилиши, асарда характерлар ўртасидаги конфликт ўрни катта эканлигини кўрсатади.

Қаҳрамон ва муҳит ўртасидаги зиддият мисоли сифатида Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ва саройидаги салбий муҳит тасвирини келтириш мумкин. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ [202-203, 216-217], Умаршайх мирзо [330-331] ва Тўхтамишхон [368-369]ларнинг ўзи билан ўзи суҳбати ва баҳсга кириши баён қилинган бир неча ўринлар ички конфликтга мисол бўлади. Аслида конфликтнинг дастлабки икки тури тарихий воқеа саналиб, учинчиси ёзувчи томонидан сюжет ривожланиши, характерлар мантиғидан келиб чиқиб бадийлаштирилган тўқимадир.

Ёзувчи романда тарихий воқеликни акс эттиришда гап, жумлалар ва персонаж портретларини бадий ниятидан келиб шакллантиргани намоён бўлади. Хусусан, Чингизхон ўғли портретини ўз ҳаёлидан ўтказар экан, унга диалогларида ҳам кескин гапларни, аччиқ сўзларни айтади. Бу билан ёзувчи аслида Чингизхоннинг ношукурлиги, атрофидагиларга доимо норозилик ҳисси билан қараганлигига урғу беради.

Асар сюжетида қўлланилган “ҳикоя ичидаги ҳикоя” усули ретардациядан фарқли ўлароқ, воқеаларни очишга хизмат қилган бўлса, баъзи ўринларда зиддиятлар кескинлигини таъминлашга, баъзан эса персонажлар руҳиятидаги ҳолат юзасидан хабар бериш вазифасини бажаради. Масалан, ўн тўққизинчи боб “*мулозимлар Тоҳир тарихчини*

³²Раҳимов А. Роман санъати. – Фарғона: Фарғона, 2015. – Б.34-35

³³ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 144.

чорладилар. У эгарга қия ўтирганча ҳафсала билан ҳикоясини бошлади” [465]деган гаплар билан яқунланади ва йигирманчи боб [466-488] тўлиғича Хоразмшоҳ мамлакатининг сўнгги кунлари ва Жалололдиннинг қўлдан чиққан тахтни қайтариш учун олиб борган курашларига бағишланган.

Хусусан, тадқиқот объектими эпоеянинг бир қисми эканлиги ва роман нисбий мустақил, лекин эпоея структурасидан четга чиқмаслигини назарда тутган ҳолда зиддиятнинг мураккаб шаклини кузатиш мумкин. Бу эса сюжет воқеаларининг тармоқларини юзага келтиради. Романдаги бир неча воқеаларнинг ўзаро мантиқий кетма-кетлигидан ташқари, Чингизхон ва Хоразмшоҳ, Амир Темур ва Тўхтамишхон, туркийлар ва мўғуллар тарзида ўзаро таққослаш ҳам сюжетнинг турли тармоқларга ажралишини таҳлил этиш имконини беради.

Романда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ёзувчи нигоҳи билан таҳлил қилиниб, бадий фалсафий нуқтаи назардан сабаб-натига тамойили асосда текширилади. Хусусан, Тўхтамишхон, Ғазнавийлар инқирозини улар билан зиддиятга киришган томоннинг ютуғи ёки қудратидан эмас, балки уларнинг давлат раҳбари сифатидаги маънавий қиёфасидаги иллатлардан топади. Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси ишини хиёнатдан бошлагани, Тўхтамишхон эса ишратпарастликдан бўшамагани улар инқирозининг асосий сабабларидан бири сифатида келтирилади.

Маълумки, конфликт характерлар, ғоялар, гуруҳлар қарама-қаршилиги эканлиги билан образларнинг сюжет ўзанидаги ўзаро курашини кескин ёки сокин оқишини ифодалашга хизмат қилади. Нурали Қобул бир-бири билан конфликтга киришган Амир Темур ва Тўхтамишхон образларини турли мақом ва вазиятда, турлича тоифа кишилар қуршовида тасвирлайди. Масалан, Амир Темур аксарият ўринларда содиқ дўст-лашкарбошилари, самимий, оқкўнгил кишилар, олим ва китобдорлар, шоирлар даврасида намоён бўлади. Тўхтамишхонни аксарият ҳолда асабий, атрофдагиларидан норози, ғазабга минган, жаҳлдор ҳолда кўп учратиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда Амир Темур Тўхтамишхондан фарқли ўлароқ, доимий равишда теран тафаккурини йўқотмасликка интилади.

Таҳлилларга кўра, ёзувчи сюжетнинг анъанавий таркибий қисмидан самарали фойдаланиш билан бирга воқеалар тизимининг хронологик, ретроспектив, концентрик, ассоциатив каби барча типларини аралаш тарзда қўллайди. Романда сюжет композициясининг образлар композицияси ҳамда баён композицияси билан яхлитликда намоён бўлиши воқеаларнинг ишончли ва сермазмун бўлишини таъминлаган. Асарда Нурали Қобул томонидан қўлланган ретардация композицион усули сюжетининг турли типларини қўллашга имкон яратган. Бунда ретроспектив ва концентрик сюжет баёнига йўл очилган, хроникал сюжет тезлашиб, юз бериши лозим бўлган очиқ жанг вақтини асар ички замонида ортга суриш имкони яратилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Образлар тизими ва иждодий концепция”** деб номланган бўлиб, бобнинг биринчи **“Тарихий романда образлар тизими”** фаслида Амир Темур яшаган давр тасвирини ифодалашга

хизмат қилган персонаж, деталь, жой, макон образларининг композицион яхлитликда тутган ўрни ва роли ўрганилган.

Тарихий романлардаги образлар тизими бошқа романлардагига нисбатан бир мунча мураккаб ҳисобланади. Чунки романдаги бир деталь-образ бошқа бир персонажнинг характерини ёки тарихий шахс образи зиммасидаги бадиий-эстетик юкламасини очиб беришга хизмат қилиши мумкин. Масалан, романда барлос турклари ва мўғуллар ўртасидаги тошга битилган аҳднома детали тилга олинади: “– *Ўйлаб қарасам, ўғлон инимизнинг бизга қилган хиёнатлари аждодларимиз тарихидаги иккинчи сотқинлик эркан, Идикубек, – деди Темур улар емакни еб бўлиб, қимиз ичишига ўтишганда. – Барчага кундай равшанки, бизнинг буюк бобомиз Қочули баҳодир билан улуг қоон Чингизхоннинг бобоси Туманайхон ўртасида тошга битилган аҳднома бор. Битикда хонлик Туманайхон авлодларига, бош қўмондонлик эрса турк барлос бекларидан Қочули баҳодир хонадонига тегишли бўлиши қайд этилган*” [147]. Бу ердаги аҳд детали Амир Темурнинг аждодлар сўзига садоқати, Тўхтамишхоннинг эса ота сўзига хиёнати сифатида баҳоланиб, улар характеридаги ижобий ва салбий қирраларни кўрсатишга хизмат қилган. Бундан ташқари, тошбитикдаги аҳд детали мўғуллар ва барлослар ўртасидаги мувозанатни сақлаб туришга ҳам хизмат қилган. Ушбу аҳднома сиёсий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этиб, у ёнма-ён яшаётган икки қабиланинг ўзаро муносабатларини дипломатик йўл билан ҳал этишнинг устувор ечими сифатида бугунги кун учун ҳам муҳим саналади. Бундан ташқари, ёзувчи юқоридаги нутқ парчасидан олдин табиат ва персонаж тасвири – пейзаж ва портретни ҳам келтирадики, у ҳам образ сифатида, ҳам асар композициясининг таркибий қисми сифатида ўзига яраша бадиий-эстетик вазифага эга. “... *Сув бўйида ўтирганча турли хил қушларнинг учиб келиб сув ичганча яна кўкка кўтарилишини кузатиб ўтирган Идикунинг ўю-хаёли Дашти қипчоқда эди.*

Дарё тарафдан салқин шабада эсар, тўп-тўп ёввойи ўрдак галалари сувга шўнганча майда балиқларни овлашарди. Қариши соҳилдаги хос соқчилар қайиқларини самбиттолларга боғлаганча қирғоқ бўйлаб юришар, уларнинг орқа тарафида отлиқ суворийлар кўзга ташланарди” [147]

Ёзувчи бу ерда пейзаж ва портрет воситаларини ўзаро аралаштириб қўллар экан, уларнинг зиммасидаги вазифасидан келиб чиқиб аввал пейзажни беради. Чунки у макон тасвири сифатида ўқувчида аввал воқеа кечадиган жой ҳақида тўлиқ тушунча ва тасаввурни шакллантиради. Кейин эса ана шу тасаввурга персонаж тасвири киритилади. Натижада бадиий матн контекстидаги композицион структура аниқлик кўринишига эга бўлади. Шу тариқа, ёзувчи романда Амир Темур ва Тўхтамишхон образлари тизимидан кейин учинчи йирик персонаж линияси – Идику образи ва у билан боғлиқ воқеаларни келтиради. Сабаби мазкур романда ифодаланган Дашти Қипчоқ устига ҳарбий юришда Тўхтамишхоннинг душмани сифатида унинг ожиз томонларини Амир Темурга айтиб, уни Тўхтамишни батамом даф этишга

ундаган кишилардан бири Идику эканлиги тарихий манбаларда қайд этилган³⁴.

Ёзувчи роман қисмлари, пейзаж, портрет ва диалог ўртасидаги ўзаро муносабатни Амир Темур, Тўхтамишхон, Идику каби образларнинг характери ва руҳиятидаги табиий оқим асосига қурган. Натижада композициянинг сюжет, образ, тасвирий усуллар (пейзаж, портрет) каби таркибий қисмлари бир-бири билан мутаносибликда тасвирланган.

Муаллиф Тўхтамишхон саройидаги баъзи маддоҳларнинг номларини келтирар экан, ёзувчи уларни тўқима образ сифатида беради, бироқ реал тарихда ҳам Тўхтамиш олдида шуларга ўхшаш калтабин, худбин, маънан қашшоқ кишилар бўлганини назардан соқит этмайди.

Ибн Арабшоҳ Идику портрети ва характерини содда, тушунарли тарзда баён этган, аммо бир ўринда Амир Темурга фириб берган киши сифатида келтиради³⁵. Н.Қобул эса мазкур образни бадиий қайта ишлаб, унга ўзининг бадиий ниятларидан келиб чиқиб ёндашади. Романда Идику портрети, характерини нисбатан кенгроқ баён этади. Муаллиф бадиийлаштириш жараёнида Идикуга, тарихий маълумотлар доирасидан чикмаган ҳолда, образлиқ, Тўхтамишхон ва Амир Темур ўртасидаги курашни боғлаб турувчи восита образ сифатини берган.

Б.Карим таъкидлаганидек, “Ҳар қандай асар – ҳажман кичик ёки катта бўлишидан қатъий назар - мукамал характерлари, хотирага муҳрланиб қоладиган бетакрор эпизодлари билан адабиёт майдонида воқеа бўлади; умрбоқийлик мақомига эришади”³⁶. Шу маънода Нурали Қобул романидаги мукамал характер ва бетакрор эпизодик образлар сифатида Нажмиддин Кубро, Султон Алоуддин Хоразмшоҳ, унинг ўғиллари Султон Жалолиддин, Рукниддин, синглиси – Мазондарон маликаси Шоҳ хотун, бош фаррош (шоҳга дастурхон тайёрловчи, гилам тўшовчи) Муқорибиддин ал Шош Фаррош, отбоқар Шамсиддин Ҳаққул образларини қайд этиш мумкин.

Тарихий образлар тизимида ёзувчи роман марказига икки томон зиддиятини қўяди. Натижада бутун замон, давр тасвири марказида Турон салтанати ва унга қарши бўлган иккинчи бир гуруҳ мамлакатлар образи намоён бўлади. Уларнинг асосийси Олтин Ўрда давлати ҳисобланади. Турон ва Олтин Ўрда образини бадиий акс эттиришда ёзувчи Амир Темур ва Тўхтамишхон образларининг ўзаро қиёсий биографиясига оид маълумотларни бадиий қайта ишлаш, қаҳрамонларнинг ўсиб, улғайиб бориши, ўз-ўзини англаши ҳақидаги воқеаларни ҳам тасвирлайди.

Умуман олганда, ёзувчи образ тизими таркибига кирувчи персонаж, деталь, жой, макон, давр каби образларни асар композициясига моҳирлик билан бирлаштирган. Бунда уларнинг бадиий-эстетик таъсирини ошириш учун нутқ, муаллиф нутқи, монолог, диалог каби шаклларида ҳамда турли бадиий тасвирий ва ифодавий воситаларидан ўринли фойдаланган.

³⁴ Ибн Арабшоҳ. Темур ҳақида тақдир ажойиботлари. 1 китоб. – Тошкент: Мехнат, 1992.

³⁵ Юқоридаги манбаа. – Б. 157-159

³⁶ Карим, Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б.29.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли “**Тарихий ҳақиқатдан бадиий-ижодий концепцияга**” деб номланган бўлиб, унда тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга, ундан ўтиб ёзувчи иждодий концепциясига айланиш жараёни таҳлил этилган.

Муаллиф тарихий-бадиий асар яратишда кечмиш воқеа-ҳодисаларни қайта идрок қилади. Ана шу жараёнда ҳар бир воқеа, сўз бадиий эстетик юклама олади. Бунда “сўз эса оддий мулоқот қуролидан образга, образ эса образлар тизимига, образлар тизими бадиий ҳақиқатга, бадиий ҳақиқат эса асар (ижодкор) концепциясига айланади”³⁷. Мазкур вазифани бажариш учун эса бевосита амир Темур ёнида юриб, у киши ҳақида мемуар асар яратган Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Ибн Арабшоҳнинг “Темур тарихи”, Али Яздийнинг “Зафарнома” сидаги тарихий воқеликни Нурали Қобулнинг мазкур романида бадиий ифодаланиши қиёсан таҳлил этилди.

Ёзувчи тарихий ҳақиқатдан бадиий-ижодий концепцияга бориш йўлида асосан Амир Темур ҳақидаги ишончли манба — Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сига таянади.

Нурали Қобул романи Тўхтамишхон элчилари келгани ҳамда уларга атаб уюштирилган зиёфат ва совғалар топшириш маросими ҳақидаги хабар билан бошланади. Ёзувчи Шомийда ҳам келтирилган ана шу хабарни ўзининг бадиий-эстетик мақсадидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаб, янги асар экспозициясига жойлаштириш орқали ўзига хос композиция яратишга уринган.

Бундан ташқари, “роман бадиий композиция ва қурилишидаги ёзувчининг кўпда сезилавермайдиган, лекин, маҳорат ва усталик билан тутган йўлини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлар эди. Ёзувчи асар бошидан охиригача бирор бир бобда сюжетни анъанавий усулда ривожлантириш йўлини тутмайди”³⁸. Яъни улкан тарихий воқеаларни замон ва макон бирлигидаги яхлит оқимда кўрсатиб беради. Натижада асосий ўринга шахс эмас, у билан боғлиқ воқеа чиқади. Ёзувчи тарихий воқеликни *тарихий воқеа-шахс-бадиий воқеа-ижодий концепция* тарзда қайта қуради.

Асардаги образлар объектив ҳаётий воқеа-ҳодисалар, турли ижтимоий муносабатлар таъсирида кишида юз берадиган рухий ўзгаришлар тасвири, характерлар мантиғи ва ёзувчининг бадиий-эстетик ниятининг динамик ўсиб бориши негизида бадиий акс эттирилади. Натижада ҳар бир образ – тарихий шахс ўқувчи кўз олдида ҳаётийлик касб этади.

Ёзувчи тарихий манбалардаги далилларни яхлит тизимга солиб, уларни ўзаро солиштиради. Хусусан, чингизийлар мисолида мўғуллар ва ануштегинлар, темурийлар мисолида туркий халқлар ўзаро таққосланади. Унда Амир Темур, Нажмиддин Кубро, Султон Жалолоддин, Алоуддин Хоразмшоҳ, Шоҳ Мансур, Тўхтамишхон, Чингизхон, Есугай, Идику каби ўнлаб тарихий шахслар иштирок этади. Лекин ёзувчи уларнинг ҳар бирига тарихий далил ва фактлар доирасида ҳаракат қилишни юклар экан уларга

³⁷ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – Б.34-35.

³⁸ Назаров Б. Тарихий ҳақиқат ёғдулари ёхуд ўзликни бадиий англаш (Сўнгсўз) / Нурали Қобул. Етти иклим ҳоқони ёхуд аҳд ва тахт. – Тошкент: Sharq, 2014. – Б.473.

ўзининг бадий-эстетик ниятини ҳам юклайди. Жумладан, Шомий Амир Темурнинг Кичик тоғдан ўтиб, Улуғ тоққа етиши ва унга чиқишини қуйидагича баён этган: “Жумодиул-аввал ойининг биринчи куни (1391 йил 6 апрель) (дарёда) сув кўпайди. Бир неча кун тўхтаб кечув жойи изладилар. Сувдан ўтиб, ойнинг йигирма бирида (26 апрель) лашкар Кичик Доғга етди. У ердан кўчиб, ўртада икки кеча ўтказиб, жумъа куни Улуғ Доғ мавзеига етдилар. Амир Соҳибқирон тоғ устига чиқиб, ҳар ён назар солди. атроф поёнсиз саҳро ва чўли биёбон эди. У куни шу жойда тўхтаб, ҳамма лашкарга тош келтиришини буюрди. У ерда баланд бир нишона-минора кўтардилар. Тоштарошларга буюрди, улар у кунлар тарихини тошга нақш қилдилар, токи у нишона турар экан, замона саҳифасида бу юриш зикри боқий қолгай”³⁹. Шомий воқеани аниқ ва содда тилда тушунарли этиб баён этган. Айнан воқеани Шарафиддин Али Яздий қуйидагича баён этади: “Нусрат шийор черики чуқурларда сув топиб ичиб юрур эрдилар, чоршанба кунда ойнинг йигирми бирида (28.03.1391) бир тоғқа еттиларким, ани Кичик Тоғ дер эдилар. Анда тушуб бир кун қўнуб, тонгласи кўчуб Улуғ Тоғқа еттилар. Ва соҳибқирон Улуғ Тоғга устига чиқиб, саҳрога кўз солиб, барча оламни кўм-кўк кўрди. Анда туруб ҳукм қилдиким, «Черик мунда тош келтурсунлар, то мунда бир нишона қилаликим, биздин ёдгор қолгай!» Черик тош келтуруб, устакорлар ул тошлар билан минора қўпордилар”⁴⁰.

Нурали Қобул ҳам айнан шу воқеани баён қилар экан тарихий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга айлантириш мақсадида силлиқ тошлар, аскарларнинг машғулоти, Абдурахмон тоштарош образини бадий тўқима сифатида киритган. Шомий ва Яздий Улуғ тоғ воқеасини қисқа, яъни ярим бет ҳажмида тасвирлайди, холос. Нурали Қобул эса ана шу воқеани уч саҳифага олиб келади. Унга пейзаж, диалог каби унсурларни киритиб сюжет воқеаларининг таъсирчанлигини кучайтирган.

Ёзувчи тарихий образларнинг ички оламини очишда диалог ва монолог нутқ услубларини қўллаб, персонажлар онгини, қалбини нутқий жараёндаги ҳолатини ифодалайди. Персонажлар кўпроқ суҳбат жараёнида тасвирланади. Чунки персонажар онгидаги фикр, ҳиссий мушоҳада, уларнинг тушунчаси барчаси характерни намоён этади. Бу эса тарихий ҳақиқатни бадийлаштиришга асос бўлади.

Романда асирларнинг туркий уруғнинг қуш қавмидан эканлиги уларнинг исмлари Чумчук, Қарға каби лақаблар кўшилишини келтирилиши Амир Темурнинг диққатини тортгани қайд этилади. Шомийда келтирилмаган мазкур ҳолат ёзувчи Амир Темур портретининг зийрак, доно ва босиқлик каби қирраларини юзага чиқаради. Ёзувчи ўзи акс эттираётган жой ва тарихий муҳитни тиклашда керакли тарихий сўзлар, кишилар билан тўлдириши натижасида зарур тарихий колорит пайдо бўлган.

Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тарихий воқелик уни кўрган ва билган замондошлари, яқинлари, шогирдлари, издошлари хаёлида,

³⁹Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 158

⁴⁰Яздий, Шарафиддин Али. Зафарнома. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 131.

тасавурида дастлабки манбалар тизими сифатида шаклланган. Натижада Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг турли талқинлари юзага келади. Масалан, Низомиддин Шомий ва Али Яздий “Зафарнома”ларида бир воқеликка икки хил ёндашувни кузатиш мумкин.

Нурали Қобулнинг Амир Темур образини яратишдаги ижодий концепцияси замон ва миллат муносабатларидаги эврилишлар, тараққиётнинг жамият олдига қўйган вазифа ҳамда муаммолар ечимидан келиб чиққан.

Хуллас, асарда ёзувчи шахс концепцияси, тарихий фалсафа, воқеликни ифодалаш услуби, диспозиция ва композиция (фабула ва сюжет), мотив, замон ва макон вазифалари каби қатор масалаларга диққат қилиб, ўзининг ижодий концепциясини яратган.

ХУЛОСА

Изланиш давомида амалга оширилган таҳлил натижалари, келинган тўхтам ва умумлашмаларга асосланиб қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тарихий романда баён қилинган ўтмиш ҳақидаги воқеалар келажак ёки ёзувчи яшаётган замон ҳақида тасавурларни шакллантиришга ҳамда инсонлар онгида замон узлуксизлиги ҳақидаги тушунча пайдо бўлишига хизмат қилади. Натижада ўтмиш ва ҳозирги замон ягона тарихий маконда яхлитлашиб ижтимоий тафаккурнинг тизимли ишлашини таъминлайди. Бу ўз навбатида маълум бир миллат ўтмишида қадриятга айланган тушунча ва тасавурнинг келажакда ҳам бардавом бўлишига имкон беради. Адабиётдаги тарихийлик тамойили ва тарихий шахс образи ўз моҳиятига кўра замонавий жамият ва келажак ҳақида хабар берадиган яхлит концепцияга эга бўлади.

2. Ўзбек тарихий романлари поэтикаси тадрижида композициянинг сюжет композицияси, образлар композицияси, бадиий тил композицияси, нуқтаи назар композицияси каби турлари мавжуд бўлиб, тадқиқотга тортилган асарларда ташқи композиция, ички ва мазмуний композицияга ҳам эътибор қаратилди. Бунда асарнинг ташқи тузилиши, яъни қисм, боб ва фаслларга ажратилиши ташқи композицияга, асардаги сюжет, образ, бадиий тил ички композицияга дахлдор саналади. Мазмуний композицияда воқеа ёки мавзу, ғоя ифодаси тушунилади. Текширилган романда ёзувчи ташқи композицияни аниқ бадиий ниятидан келиб чиқиб шакллантирган. Натижада асардаги асар архитектуроникаси пухта, пишиқ кўринишга келтирилган.

3. Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Алишер Навоий, Бобур, Салоҳиддин Тошкандий, Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Али, Нурали Қобул каби муаллифлар Амир Темур образини яратишда унинг халқ ва мамлакат тарққиётидаги бемисл аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Ибн Арабшоҳ, Сергей Бородин каби муаллифлар турли ижтимоий-сиёсий мақсадлардан келиб чиқиб, Амир Темур образи тасвирида кўпроқ салбий

жиҳатларга урғу бериши натижасида асарларининг сюжет ва композицион қурилишидаги тарихий ҳақиқат ҳамда бадиий тўқима мувозанатига путур етган.

4. Нурали Қобул “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон” романида Амир Темур образи орқали Туроннинг кўп асрлик тарихини бадиий таҳлил этишга ҳаракат қилган. Натижада ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб Турон-Туркистон ўлкасидаги ғазнавийлар, ануштегинлар, темурийлар сулоласига оид давлат ва жамият қуриш, бошқариш назарияси ҳамда амалиёти тажрибалари тизимлаштирилиб, уларга бадиий-эстетик баҳо берилган. Муаллиф X-XV асрлардаги Туронни яхлит тарихий тизим сифатида ягона бадиий матн доирасида бадиий-қиёсий таҳлилга тортган.

5. “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон” романида поэтик муаммолар ички композициянинг сюжет, образлар тизими, бадиий тил, хусусан, диалог, монолог, пейзаж, портрет каби унсурлари ёрдамида ўзаро мутаносибликда яратилган. Бунда ёзувчининг мавжуд манбаларни пухта ўрганганлиги, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима мутаносиблигини сақлаган ҳолда ижодий концепцияси яратганлиги муҳим омил бўлган.

6. Муаллиф томонидан сюжетнинг хронологик, ретроспектив, концентрик, ассоциатив каби турларидан аралаш фойдаланганлиги, конфликтнинг жамият ва жамият, шахс ва жамият, шахснинг ўзи билан ўзи (психологик конфликт) кўринишларидан ўринли қўллаганлиги натижасида шакл ва мазмун жиҳатдан нисбатан етук асар яратилган. Шу билан бирга баъзи ўринларда воқеаларнинг тиғизлиги, тасвирда пейзаж ва портретга кам ўрин ажратилгани кўзга ташланади.

7. “Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон ” романида сюжет композициясининг образлар композицияси ҳамда баён композицияси билан уйғунликда намоён бўлиши воқеаларнинг ишончли ва сермазмун бўлишини таъминлаган. Бу асардаги конфликтни, айниқса, ҳарактерлар зиддиятини очиб беришда муҳим роль ўйнаган. Романдаги конфликт сюжетнинг ўзани сифатида асар номланишидан тортиб, сюжет унсурлари, образларнинг ички ва ташқи ифодасида, муҳит таҳлили ва композицион усулларда ҳам намоён бўлган.

8. Нурали Қобул романда Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Салоҳиддин Тошкандий асарларидаги Амир Темур ҳақида келтирилган тарихий маълумотларни ўзининг ижодий концепциясидан келиб чиқиб, бадиий жиҳатдан жиддий қайта ишлаган.

Яъни, тарихий манбалардаги воқеа-ҳодиса, далил ва маълумотлар бадийлаштириб, уларга зарур ўринларда бадий тўқималар киритилган.

9. Сўнги йилларда Туркистон тарихининг бадий тасвирига оид яратилган манбаларнинг барчасида ҳам миллий тарихимиз, айниқса, Амир Темур шахсига ҳолис ва очиклик билан ёндашилмаган. Баъзи манбаларда Туркистон тарихи ўзгартирилиб, тарихий тараққиётда туркий халқларнинг ўрни пасайтирилиб, Амир Темур шахси қораланиб, бошқаларида керагидан ортиқча улуғланиб, ярим афсонавий даражага келтирилган. Шу маънода Турон тарихининг бадий ифодасида Нурали Қобул объектив йўл тутганлиги маълум бўлди.

10. Нурали Қобул тарихий романи “Темурийлар эпопеяси” номли йигирма тўрт жилдлик улкан асарнинг учинчи жилди эканлигини инобатга олсак, эпопеянинг бадий-эстетик савиясидан қатъи назар, асар нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиёти учун ҳам катта адабий ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун келгусида адабиётшунослик, айниқса, қиёсий адабиётшунослик, манбашунослик каби соҳа вакиллари Турон тарихининг бадий ифодаси бўлган ушбу асарни жаҳон адабиёти аспектида ўрганишни давом эттиришлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

**SCIENTIFIC COUNCIL No DSc.03/30.12.2019 Fil.05.02 ON AWARD OF
SCIENTIFIC DEGREES FERGANA STATE UNIVERSITY**

FERGANA STATE UNIVERSITY

GANIEV MUKHAMMADAMIN AVAZBEK UGLI

PLOT AND COMPOSITION IN HISTORICAL NOVEL

(In the example of Nurali Kabul's novel "The Last Day of the Sultan or Amir
Sahibkiran and Tokhtamishkhan")

10.00.02 – Uzbek literature

**DISSERTATION ABSTRACT FOR DOCTOR OF PHILOSOPHY IN
PHILOLOGICAL SCIENCES (PhD)**

Fergana – 2022

The theme of PhD dissertation was registered by the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under B2020.4.PhD/Fil1417.

The dissertation was carried out at Fergana State University.

The abstract of the PhD dissertation was in three (Uzbek, English, Russian (resume)) languages on the website at www.fdu.uz and on the website of "Ziyonet" Information and Education Portal at www.ziyonet.uz.

Scientific director:

Kasimov Abdugapir Abdukarimovich
doctor of philological sciences, professor

Official opponents:

Rasulova Umida Yuldash kizi
doctor of philological sciences

Sattorova Gulnoz Yunusovna
doctor of philological sciences

Leading organization:

Termiz State University

The defence of the dissertation will be held on 18 06 2022, at 13:00, at the meeting of the Scientific Council DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 of Fergana state university. (Address: 100151, Fergana city, Murabbiylar street 19, Tel: (99873) 244-44-29, Fax: (99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.uz).

The dissertation can be looked through in the Information Resource Center of Fergana state university (registered with No. 168). (Address: 100151, Fergana city, Murabbiylar street 19, Tel: (99873) 244-44-02).

The abstract of the dissertation was distributed on 14 06 2022
(Registry record No. 47 dated 14 06 2022)



Sh. M. Iskandarova
Chairman of scientific council,
PhD, professor

M. T. Zokirov
Secretary of scientific council, candidate
of philological sciences, docent

A. G. Sabirdinov
Chairman of scientific seminar under
the scientific council, PhD, docent

Introduction (abstract of PhD dissertation)

The actuality and significance of the dissertation work. There is a growing interest in world literature in the artistic understanding of historical reality, the study of major epics that reflect the social development of certain peoples. Through artistic and aesthetic assessment of the historical reality associated with the activities of great commanders, statesmen, national heroes socio-political, artistic and aesthetic concepts of the new era are artistically perceived in the image of a historical figure and help humanity to interpret and study the future in the light of past events. Therefore, it is of great significance in literature to evaluate the poetics of historical works in terms of the compatibility of the means of artistic representation.

In world literature, among the genres aimed at the artistic perception of historical reality special attention is paid to the study of the poetics of the novel genre. From the earliest times, issues such as the genesis of historical works, their plot, composition, system of images were seriously discussed. After all, the composition of a work of art is inextricably linked with the genre, and it is a phenomenon that has its own characteristics in each genre. For this reason, the study of the relationship between plot and composition in the novel genre, in particular the poetics of historical novels, on the basis of new principles and approaches of world literature has particular scientific and theoretical importance.

Recently, in Uzbek literature, has been focused on historical works, in particular, on the study of historical novels and denotation of their place in the context of world literature. One of the important tasks in Uzbek literature is to scientifically and theoretically assess the issues of artistic expression of reality on the basis of modern approaches on the example of works on historical themes, in particular, novels with images of historical figures. "Attention to literature and art, culture - is, first of all, attention to our people, attention to the future. We have no right to forget, as our great poet Cholpon said, if literature and culture live, the nation can live."⁴¹ In particular, one of the important tasks for our country, which has entered the path of national growth from national awareness, to illuminate the images of our great ancestors such as Jaloliddin Manguberdi, Amir Temur, Zahiriddin Muhammad Babur in the literature in terms of historical reality and expand the scope of research in this area.

Although a lot of research has been done in Uzbek literature on the plot and composition of historical novels, the large-scale epics of Nurali Kabul about the great Amir Temur have not been sufficiently studied. The study of historical truth and artistic texture, plot construction, system of images, composition of artistic speech, writing skills and individual style in the works included in these epics are important issues of Uzbek literature. Therefore, it is important to study the plot and composition in the historical novel on the example of Nurali Kabul's novel "The Last Day of the Sultan or Amir Sahibkiran and Tokhtamishkhan."

⁴¹ Mirziyoyev Sh. The development of literature and art and culture is a solid foundation for raising the spiritual world of our people. 3 August, 2017 y. from the spoken speech. www.jahonadabiyoti.uz

This dissertation research to some extent serves in the implementation of the tasks set out in PF-4958 of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 16, 2017 "On further improvement of postgraduate education", Decree No. PF-6097 of October 29, 2020 "On approval of the Concept of development of science until 2030", Resolution No. PQ-2909 of April 20, 2017 "On measures to further develop the system of higher education" and the Order of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated February 16, 2018 No 124-F "On holding an international conference on "Actual issues of international study and promotion of Uzbek classical and modern literature", as well as in other regulatory and legal documents related to this activity.

Correspondence of the research to the priorities of the development of science and technology of the republic. This research was carried out in accordance with the priorities of the development of science and technology of the republic "Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, spiritual and educational development of an informed society and a democratic state."

The scope of the study of the problem. In the world of literary studies, such issues as the art of the novel, the unity of the form and content of the work of art, plot and composition, the combination of theme and idea, the proportionality of historical reality and artistic fabric, the language of the work of art were studied in a timely manner. In particular, in the history of literary studies, the first thoughts about the plot and composition, historical truth and artistic texture, about the subject are found in Plato's work "The State". : "can we easily let our children listen to the myths we encounter, some myths invented by some incomprehensible people, many of whom contradict the views that, in our opinion, should be in their minds when they grow up? ... First of all, we must take control of the peacemakers (writers): if their creations are good, we can accept, if not, we reject."⁴² Aristotle also spoke about the plot, fable and composition of the epic.⁴³ Later, valuable ideas about the poetics of works of art were expressed by such scientists as Julius Caesar Scaliger, Antonio Minturino, Pierre Hue, Hegel, L. Timofeev, G. Pospelov, E. Khalizev, Rene Welleck, Austin Warren, Terry Ingleton, V. Ya. Malkina, B. Gilenson.⁴⁴ But any genre is a historical category that is constantly changing and developing. Peculiarly, the genre of the historical novel needs constant research as a vast genre, constantly changing and improving in the literary process.

⁴² Kuronov D., Rakhmonov B. Essays on Western Literary Critical History. - Tashkent: Science, 2007. - B. 99-100.

⁴³ Arastu. Poetics. Great ethics. Rhetoric. - Tashkent: New century generation, 2012. - 352 p.

⁴⁴ Julius Caesar Scaliger. Poetics / D.Kuronov, B.Rakhmonov. Essays on Western Literary-Critical History. - Tashkent: Science, 2008. - P.137-145; Antonio Minturino. Poetic art / Kuronov D., Rakhmonov B. Essays on Western Literary Critical History. - Tashkent: Fan, 2007. -B. 146-157; Per Daniel Yue. Booklet on the emergence of novels / Kuronov D., Rakhmonov B. Essays on Western Literary Critical History. - Tashkent: Science, 2007. - B. 248-257; Gegel. Aesthetics. - Tashkent: National Society of Philosophers of Uzbekistan, 2011; Wellek Rene and Warren Austin. Literary theory. -M: Progress, 1978; G.Pospelov. Literary theory. - M.: High school, 1978. - 331 p. ; Khalizev V E. Theory of literature. - Moscow: High School, 1999; Terry Eagleton. Literary Theory An Introduction Second edition. the United States by The University of Minnesota Press. Fourth printing, 2003. -p. 14 (245 p.) [Http://www.upress.umn.edu](http://www.upress.umn.edu). Malkina V.Ya. Poetics of the historical novel. (The problem of invariance and typology of the genre: on the material of Russian literature of the XIX - early XX centuries). Dissertation of candidate of philosophic sciences - M. 2001. - 216 p. ; Gilenson, B. A. History of US literature. V 2 ch. Chast 1. - M. : Edition of Yurayt, 2018. - 706 p.

A number of scientific studies on the plot and composition of the novel have also been conducted in Uzbek literary studies. For example, at the beginning of the XX century, Mienbuzruk Salikhov, speaking about the meaning of the plot and composition in the work, put forward the idea that "the events in the novel should be similar to the truth and similar to reality, artificial and supernatural tone of events should not be felt."⁴⁵ Academician Izzat Sulton described such issues as plot, confluence, composition, portrait, landscape, detail, fabula.⁴⁶ Scientists, such as M.Qoshjonov, B.Garlic, U.Normatov, A.Rahimov, A.Kattabekov, H.Umurov, Y.Salijanav, N.Rahmonov, D.Quran, M.Sharafutdinova, B.Karim, Jorakulov, A.Nasirov, A.Akbarov, Z.Rahimov, Z.Sadykov, G.Yusupova, I.Yakubov, T.Qurbanov, M.Hamroeva, G.Muradov, X.Tulibaev, U.Qasimov, F.Ikromkhonova expressed opinions about roman poetics in their research.⁴⁷ A number of works have also been published on the interpretation of the image of Amir Temur in foreign and Uzbek literature.⁴⁸

⁴⁵ Muyon Buzruk. "Scorpion from Mihrab" (themes, class category and structure are checked). In the book: Uzbek literary criticism.-T.: Turon-iqbol, 2011. Pages 12-16.

⁴⁶ Sultan I. Theory of literature. - T.:Teacher, 2005. – 272 p.

